Mustaqillik huquq demakdir

# Ниқуқ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan · www.huquq-gazeta.uz · 2013-yil 24-oktabr, №43 (876)

Тараддуд



Суратда: Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Шофайзи боғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўрабек Соипов (ўнгдан иккинчи) маҳалла фаоллари билан.

## Сайловга тайёргарлик қизғин

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги "Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида ана шу жараёнга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.***

Жумладан, жойларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинарлар ўтказилиб, мазкур жараён билан боғлиқ долзарб масалалар таҳлил қилинмоқда.

Сайловлар "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ, ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилишини таъминлаш мақсадида жойларда анжуманлар ташкил этилиб, фуқароларга сайловга оид қонун ва ҳужжатлар хусусида тушунтиришлар берилаётир. Бу эса сайлов жараёнлари иштирокчиларининг билим ва кўникмаларини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Жойларда ўтказилаётган семинарларда сайловни ташкил қилувчи ишчи гуруҳ аъзоларига янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда маҳалла институтини бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни такомиллаштирилди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, унга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Семинарларда ана шулар ҳақида кенг маълумот берилаётгани сайлов жараёни иштирокчилари учун жуда фойдали бўлаётир.

**Ўз мухбиримиз**

Анжуман

***Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш дастури доирасида ҳукумат миқёсида соҳага оид бир нечта қонун ва қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, суғурта бозори иштирокчиларига ўз фаолиятларини янада ривожлантириш учун кенг шароитлар яратилмоқда.***

## Суғурта фаолиятига бағишланди

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Ниқуқ»

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, имтиёз ва афзалликлар яратиш, муаммо ва ечимлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда соҳа мутахассислари ўз маърузаларида жаҳон суғурта бозори ва Ўзбекистон суғурта бозорида тўпланган тажрибага асосланиб, доимий тарзда қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилаётганлигини, шунингдек, айни вақтда "Кафолат" ДАК (ОАЖ) томонидан таклиф этилаётган 80 га яқин суғурта хизматларининг 30 фоиздан ортиғи бевосита аҳоли учун таклиф этилаётган суғурта турлари эканлигини айтиб ўтишди.

Бундан ташқари, маърузачилар компания томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларида имтиёзларга алоҳида эътибор қаратилаётганини, ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш, улар томонидан ўз функционал мажбуриятлари бажарилишини мониторинг қилиш, компанияда суғурта даъволарини сифатли ва тезкор кўриб чиқишни таъминлаш бўйича минтақавий тармоқни кенгайтириш ҳамда 2013 йил якунига қадар "Kafolat-online" база маълумотларини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш режалаштирилаётганини қайд этишди.

## Муҳокамада қонун ижроси

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижросини Интеллектуал мулк Агентлиги тизимида ижро этилиши юзасидан 2012 йил 19 декабрда қабул қилинган қўмита қарорининг ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.***

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — ахборот технологиялари соҳасининг муҳим йўналишларидан бири бўлган интеграл микросхемалар топологиялари ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга оид аниқ таклифларни шакллантиришдан иборат бўлди.

Йиғилишда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтиролар, илмий-техника ва саноат ишлаб чиқаришларини кенг жорий этишда кўмаклашиш чораларини кучайтириш, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқига эгалик қилувчилар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни кучайтириш каби масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ишлаб чиқаришнинг мазкур соҳаларини қўллаб-қувватлашда асос бўлаётганини қайд этишди. Ушбу қарор республикамизда ахборот-коммуникация технологияларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга мос равишда янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича миллий дастурчиларни рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, ички ва ташқи бозорда ушбу маҳсулотларнинг сотилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳужжат бўлмоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори ижроси юзасидан АКТ соҳасини ривожлантириш бўйича устувор масалалар белгиланиб, қарорнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда соҳа мутахассислари учун тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тегишли чоралар белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ равишда махсус категорияда фаолият юритувчи шахслар учун қулай шароит яратиш мақсадида "Патент бўйича ваколатли ходимлар тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Шунингдек, "Инновация ва инновацион фаолият тўғрисида"ги Қонун лойиҳасига интеллектуал мулкни яратиш ва унинг самарали ҳуқуқий муҳофазаси жараёнларини фаоллаштириш учун шароит яратувчи моддаларни киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масалаларнинг муҳокамаси жараёнида депутатлар томонидан юқорида тилга олинган қонунлар ижросини таъминлашда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлиги қайд этилиб, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тавсиялар билдирилди.

**Ўз мухбиримиз**

# Рақамлар жиноятни фош этади

***Ҳар қандай рақам аниқ миқдорни англатганлиги сабабли, эътирозга ўрин қолдирмайди. Айтайлик, "6" рақамини "5" деб исботлай олмайсиз. Рақамлар ўта қайсарлик билан ўз миқдорини ҳимоя қилади ва агар бу суд-процессуал ишларига тааллуқли бўлса, жиноятни фош этишда, терговлар ва суд жараёнида айбдорнинг бўйин товлашига имкон қолдирмайди.***

**Деҳқонбой АБДУЛЛАЕВ,**
Қамаши туман прокурори
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Нидо»

"Дилшод нур савдо" МЧЖ раиси вазифасида ишлаб келган Азиз Азаматов солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, катта миқдордаги қарздорликларга йўл қўйган ҳамда пул-маблағ ва савдо-сотиқ билан боғлиқ бошқа жиноятларини ҳам содир этган бўлса-да, қайсар рақамларнинг бу борадаги миқдор кўрсаткичларини рад эта олмади. Рақамлар эса анчагина салмоқли эди. А.Азаматов жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан атайлаб бўйин товлаб келаётганлиги СВОЖЖДЛКҚ департаментининг Қамаши туман бўлими томонидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш натижасида ошкор этилди. Масъулияти чекланган жамиятнинг 2008 йил 1 январдан 2013 йил 1 апрелгача бўлган даврдаги молиявий фаолиятида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва ўз вақтида давлат бюджетига тўлиқ ўтказилиши ҳужжатли тафтиш қилинди. Текширув натижасида 2012 йил ҳолатида сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажми 3 млрд. 291 млн. 46 минг 500 сўмдан иборат бўлиб, улгуржи сотилган маҳсулот(ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқатдаги ҳажмидан 45790,6 минг сўмга, бажарилган ишлар, хизматларнинг ҳақиқатдаги ҳажмидан эса 82765,0 минг сўмга камайтириб кўрсатилганлиги аниқланди. Натижада 2012 йилдаги белгиланган ягона солиқ ставкаси бўйича 7 млн. 255 минг сўмдан зиёд ягона солиқ ҳисобланмасдан қолган.

Бундан ташқари, умумий қиймати 1 млрд. 404 млн. 281 минг 300 сўм бўлган 5494 тонна цемент маҳсулоти ҳамда 16 млн. 570 минг сўмлик бошқа қурилиш материаллари ноқонуний йўллар билан сотиб юборилган. Маҳсулотнинг чакана сотилганлиги, ишлаб чиқаришда ишлатилганлиги ёки реализация қилиш жойида мавжудлиги тўғрисида жамиятнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари мавжуд эмас. Афсуски, ўз шахсий манфаати талабларидан келиб чиқиб иш юритган МЧЖ раиси қонун талабларини четлаб ўтишни маъқул кўрган ва судда "Билдим, дедим тутилдим, билмадим, дедим қутулдим" қабилида иш тутиб, цемент маҳсулотини пул кўчириш йўли билан олиб келганлиги, аммо уни кимга ёки қайси корхонага сотганлигини билмаслиги, ҳозирда маҳсулотнинг сотилганлиги бўйича бирон-бир ҳужжат тақдим эта олмаслиги тўғрисида кўрсатма берди.

У корхона раҳбари бўлиб ишлаган даврда барча банк операциялари "Интернет банкинг" воситасида амалга оширилган. Банк тўлов топшириқномаларига ўзи ҳам, бош ҳисобчи ҳам ҳеч қандай имзо қўйишмаган, барча операциялар тегишли тартибда компьютер тармоғи орқали амалга оширилган. Корхона томонидан амалга оширилган барча операцияларни электрон дастур асосида раиснинг ўзи бажарган. Корхона товарларини жўнатиш ва олиб келиш ишлари ҳам раиснинг ёлғиз ўзи томонидан амалга оширилган бўлиб, бош ҳисобчи Ш.Содиқов томонидан бирор-бир ҳужжатга имзо қўйилмаган.

МЧЖ раиси судда шулар тўғрисида кўрсатма берар экан, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Хуллас, жамият раиси корхона томонидан ҳаммаси бўлиб 78 млн. 947 минг сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг тўланишидан бўйин товлаб келган.

Жиноят ишлари бўйича Қамаши туман суди мазкур ишни батафсил ўрганиб чиқиб, МЧЖ раиси Азиз Азаматовга нисбатан ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади. Шунингдек, Қамаши туманидаги мазкур МЧЖ ҳисобидан туман солиқ инспекцияси фойдасига 69 млн. 936 минг 595 сўм ундириб беришга қарор қилинди.

Дастлабки хатбошида айтилганидек, ўз миқдорини қайсарлик билан ҳимоя қилган рақамлар олдида айбдор эътироз билдира олмади, уларнинг тўғрилигини бўйнига олишдан ўзга чора тополмади. Адабиётимизда "Гар алифдек рост бўлсанг, бол ичинда тут мақом", деган гап бор. Дарҳақиқат, алифдек рост бўлиб яшашга не етсин!

# Айланма йўл оворалари

***Ургут туманида истиқомат қилувчи Фотима Мирқулова шу йилнинг 14 февраль куни Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги турмуш ўртоғининг олдига кетди. Бир муддат эр-хотин тикув фабрикасида ишлашди. Орадан бир ой ўтгач, Фарҳод илгари Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этгани учун қидирувда эканлигини эшитиб, ортига қайтмоқчи бўлди ва Фотимани қолдириб, ўзи юртига қайтиб келди.***

**Қаҳҳоржон МУКУМОВ,**
Самарқанд транспорт прокуратураси терговчиси
**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**
«Нидо»

Фотима Москвадаги тикув фабрикаларидан бирида ишини давом эттираверди. У май ойигача ишлагач, иш юритувчи Андрей:

— Ишлаш ниятинг бўлса, шу ерда рўйхатдан ўтиб, яшаш ва ишлаш учун рухсатнома олишинг керак, — деди.

— Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак, менга ёрдам беринг, — деди Фотима.

Шундан сўнг Андрей Фотиманинг фуқаролик паспортини олиб, Москва шаҳридаги "паспорт столи"га топшириб келди ва бир ойдан сўнг ҳужжатлари тайёр бўлишини айтди.

Шундай кунларнинг бирида Фотимага қайнонаси телефон қилиб:

— Келин, тез етиб келинг. Ўғлимни қамаб қўйишди, — дея хабар қилди.

Фотима Ўзбекистонга қайтай деса, фуқаролик паспортини рухсатнома олиш учун бериб қўйган. Нима қилишини билмай, боши қотган аёлнинг миясига ажойиб режа келди. У эгизаги Зуҳрога телефон қилиб, аҳволини тушунтирди ва бирон киши орқали паспортини бериб юборишни сўради. Синглиси қариндошининг ўғлидан ўзининг паспортини бериб юборди.

Зуҳро Ўзбекистондан чиқмаганлиги сабабли унинг паспортида Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлиги ҳақида ҳеч қандай муҳр йўқ эди. Паспортни олган Фотима буни билгач, яна қабиҳ ишга қўл урди. У ўзи билан ижарада яшайдиган кишилардан бирининг паспортини яширинча олиб, ундаги Ўзбекистондан чиқиб кетганлигини билдирувчи муҳрни синглиси Зуҳронинг паспортида сохталаштирди. Ўзича муҳрнинг сохталигини ким ҳам билиб ўтирибди, дея самолётга билет олди.

Шу йилнинг 13 июнь куни Пулково-Самарқанд йўналишидаги авиарейс билан Самарқанд халқаро аэропортига учиб келган Фотима Мирқулова чегара назорат постидан ўтаётганда ҳаммаси ошкор бўлди. Назоратчининг "Илгари қайси аэропорт орқали чиқиб кетгандингиз?", деган саволига "Самарқанд аэропорти орқали", деб жавоб берди. Паспортдаги сохта муҳрда эса Хоразм аэропортидан чиқиб кетганлиги билдирувчи ёзув бор эди. Шунча кингирликка ақли етган аёл, муҳрдаги ёзувни ўқишга фаросати етмаганлиги туфайли осонгина ушланди.

Аслида хорижга чиқиб, ишлаб келишни мақсад қилаётганлар чегарадан ўтиш қонун-қоидаларини яхши билишлари зарур. Акс ҳолда, Фотима Мирқулова сингари жиноий жазога тортилиши мумкин.

Бировнинг фуқаролик паспортига сохта муҳр қўйиб, чегарадан ўтиш қонун-қоидаларини бузган Фотима Мирқулова энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдорида жарима жазосига тортилди.

Нуробод туманининг Тортувли қишлоғида яшовчи Зилола Нурматова ҳам хорижга ишлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги авиакассаларнинг биридан Туркия давлатига чипта сотиб олмоқчи бўлди. Авиакасса ходими унинг фуқаролик паспортида дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсатнома стикерининг муддати тугаганлигини, чипта олиши учун яна ИИБ ХЧК ва ФРБдан рухсатнома олиши кераклигини тушунтирди.

Зилола рухсатнома олиш учун кутишни истамади. Шу боис танишларидан суриштириб, паспортида дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсатнома стикери бўлмаса-да, Қозоғистон Республикаси орқали Туркия давлатига чиқиб кетиш мумкинлигини билиб олди.

2011 йилнинг 25 сентябрь куни Зилола "Чимкент-Истамбул" йўналишидаги авиарейс билан Туркия давлатининг Истамбул шаҳрига ноқонуний чиқиб кетди. Хорижда турли юмушларни бажариб юрганида соғлиғи ёмонлашиб қолди. Шу сабабли, 2011 йилнинг 23 ноябрь куни Истамбул халқаро аэропорти орқали "Истамбул-Банкок" авиарейси билан Таиланд давлатига бориб, у ердан 23 кундан сўнг яна Туркия давлатига қайтиб келди.

Хорижга қонунга хилоф равишда чиқиб кетган Зилола Нурматова шу йилнинг 7 июль куни Туркия полицияси томонидан ушланди. Унинг паспорти текшириб кўрилганда, хорижга чиқиш учун рухсати йўқлиги аниқланди ва шу йилнинг 14 июль куни Туркия давлатидан мажбурий тартибда "Истамбул-Тошкент" йўналишидаги авиарейс билан чиқариб юборилди.

"Ноқонуний иш — келтирар ташвиш" деганларидек, суд Зилола Нурматовага энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробари жарима жазоси тайинлади.

***Мамлакатда аҳоли бандлиги даражасини ошириш, айниқса, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, корхона, ташкилот ва муассасаларни ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида Зарафшон шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида шаҳардаги Кончилар технологиялари коллежида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди.***

# Бўш иш ўринлари ярмаркалари

**Эркин АҲМЕДЖОНОВ,**
Зарафшон шаҳар прокурори

Шаҳардаги 43 та корхона ва ташкилот жами 112 та бўш иш ўринлари билан қатнашган ярмаркада 627 нафар фуқаро иштирок этди.

Мазкур ярмаркада иш излаб юрган 51 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланиб, 43 нафар битирувчига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шу билан бирга, 68 нафар фуқарога меҳнат қонунчилигида юзага келган саволлар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, кенг ҳажмли ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган Марказий кон бошқармасига 12 нафар, Зарафшон қурилиш бошқармасига 8 нафар, тижорат банкларига 10 нафар, шаҳар тиббиёт бирлашмасига 6 нафар, шаҳардаги таълим муассасаларига 11 нафар фуқароларнинг доимий иш билан таъминланишида ёрдам берилди.

Бундан ташқари, ярмаркада иштирок этган шаҳардаги тижорат банклари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ўрта-махсус таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида 8 нафар битирувчига 48 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 4 маротаба ана шундай меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, 450 нафар иш излаб юрган фуқароларнинг иш билан бандлиги таъминланди.

# Ёшлар камолига эътибор

## истиқлол эгаларига яратилаётган имкониятлар хусусида

**Исом САТТОРОВ,**
Пайариқ туман прокурори

***Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида вояга етмаганлар ва ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш борасидагиислоҳотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди. Президентимиз ўз нутқларида "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Ана шу мақсадга етишишнинг муҳим шарти яна ва яна таъкидлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир", деб мунтазам равишда таъкидлаб келмоқда.***

Эртанги кунининг бугунгиданда ёруғ, фаровон бўлишини истаган жамият, энг аввало, ёшлар камолига эътибор қаратади. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур чора-тадбирларни кўради. Эътиборлиси шундаки, халқимиз азал-азалдан ёш авлодга эртанги кунининг эгалари, эзгу ишларининг давомчилари сифатида қарайди. Бундай эзгу мақсадлар бугун ҳар қачонгидан ҳам теран мазмун касб этмоқда.

Бугунги кунда Пайариқ тумани аҳолиси 218,3 минг нафарни ташкил этиб, шундан 74,2 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Туманда 99 та умумтаълим мактаблари, 37 та мактабгача таълим муассасалари ва 1 та махсус мактаб-интернати мавжуд бўлиб, мактабларда 36449 нафар ва махсус интернатда 130 нафар ўқувчи таълим олади. Мактабгача таълим муассасаларида 3104 нафар тарбияланувчи мавжуд. Ногирон ўқувчилар 78 нафарни ташкил қилиб, уларнинг барчаси якка тартибда уйда таълим олишмоқда.

Пайариқ туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назорат ўрнатган ҳолда, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Туманда ташкил этилган "Баркамол авлод" болалар марказида 480 нафар, 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 932 нафар, 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 1017 нафар, 3-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эса 900 нафар ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳар томонлама баркамол, етук авлодни камол топтириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, каратэ, шахмат-шашка, бадиий гимнастика, стол тенниси турлари бўйича турнирлар, мусобақалар ўтказилди. Жумладан, "Фудокан" каратэ-до вилоят федерацияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги байрами муносабати билан 7-8 сентябрь кунлари Пайариқ Тиббиёт коллежида каратэ бўйича вилоят очиқ турнири ўтказилди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси ташаббуси билан "Ёшлар боғи" барпо қилиниб, унинг ҳудудида дам олиш ўринлари, ҳар хил кўнгилочар ўйинлар ва атракционлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, "Ёшлар боғи" ҳудудида шу йилнинг март ойида замонавий архитектура талабларига мос келадиган "Ёшлар маркази" биносининг қурилиши бошланиб, истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Мазкур марказда ёшлар ўртасида турли семинар, конференция ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли фаоллар зали мавжуд. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида 5 та янги тикув машинаси ўрнатилган "Тикувчилик", интернет тармоғига уланган ва барча қулайликларга эга, сўнгги русумдаги 8 та янги компьютерлар билан таъминланган "Компьютер" консультатив маркази, "Шахмат-шашка" тўгараклари ўз фаолиятини бошлади.

Жойларда марказ фаолияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Тушунтириш ишлари натижасида профилактик назоратда турувчи вояга етмаганлар ҳамда ҳеч қаерда ўқимай ва ишламай юрган 64 нафар ёшлар марказда ташкил этилган "Ёш тадбиркор" консультатив марказига жалб қилинди.

Туман прокуратураси томонидан амалга оширилган вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш чора-тадбирлари натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳага оид 11 та текшириш ўтказилиб, ноқонуний қабул қилинган қарорларни қонунга мувофиқлаштириш борасида 3 та протест киритилди. 18 нафар масъул ходим қонунбузилишига йўл қўймаслик борасида расман огоҳлантирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида бунга йўл қўймаслик борасида 20 та тақдимнома киритилиб, 106 нафар ходим интизомий ва 33 нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Юртимизда ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларга иқтидорларини намоён этишлари учун зарур имкониятлар яратиш масалалари доимий эътиборда турибди. Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш борасида ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқий ҳужжатлар босқичма-босқич равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Бу эса ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг ҳар жиҳатдан камол топишига хизмат қилиши шубҳасиз.

***Газетамизнинг шу йил 36-сонида "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунга жойларда қандай амал қилинаётганлиги, бу борада прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган назорат тадбирлари ҳақида сўз юритилган эди. Биз мавзуни давом эттирган ҳолда, мазкур қонун ижроси вилоятларда қандай таъминланаётгани, прокуратура органлари амалга ошираётган ишлар ва уларнинг натижалари билан қизиқдик.***

# Озодаликка барчамиз масъулмиз

**Абдураҳмон АБДУЛЛАЕВ,**
Жиззах вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, озодалик ва ободонлаштириш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этган. Шу боис, бу соҳани ривожлантиришга доир тегишли қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг асосийси, мазкур қонунлар ижроси устидан прокуратура органлари томонидан доимий назорат ўрнатилган. Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги ва "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунлари ижроси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида мутахассислар иштирокида текширилди.

Текширишларда маҳаллий ҳокимликлар, ободонлаштириш бошқармалари, табиатни муҳофаза қилиш инспекциялари, давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ва фуқаролар йиғинларининг масъул ходимлари мазкур қонун билан ўзларига юклатилган вазифаларга совуққонлик билан қараганлари натижасида жойларда санитария ва экологик вазиятда салбий ўзгаришлар юзага келгани маълум бўлди. Хусусан, "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилган бўлса-да, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида бирор-бир норматив қарор қабул қилинмасдан, соҳадаги раҳбарий бошқарув эътибордан четда қолган. Ҳатто тадбирлар режаси ишлаб чиқилмай, ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мазкур соҳа билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонуннинг 7-12-моддаларида белгиланган маҳаллий ҳокимликлар ва махсус ваколатли давлат органларининг вилоят, туман-шаҳар ҳудудий бўлимлари ўзларининг ваколатларидан фойдаланмаганлиги сабабли чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид умумдавлат дастурларни бажариш, маҳаллий дастурларни тасдиқлаб, объектларни тегишли ҳудудда жойлаштириш, чиқиндиларни тўплаш ва утилизация қилиш корхоналарини ташкил этиш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолати, тўловларнинг тўланиши ҳамда экологик ҳолат устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишлари ҳанузгача тўғри йўлга қўйилмаган.

Ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги 114,9 гектар ер майдонида 10 та чиқиндихона мавжуд. Аммо Зоминда 8,5, Жиззах шаҳрида 4,3, Арнасойда 0,7, Ғаллаоролда 0,6 гектар ер майдони чиқинди учун ажратилган бўлса-да, фойдаланилмасдан ётибди. Жиззах, Зафаробод ва Янгиобод туманларида эса чиқиндихона учун махсус ер майдони умуман ажратилмаганлиги сабабли аҳоли ахлатларни тўғри келган жойга ташлашга мажбур бўлмоқда.

Энг катта муаммолардан бири — вилоят бўйича чиқиндиларни ташиш учун махсус автотранспортлар етарли эмас. Шундай бўлса-да, мазкур автотранспортларни олиб келиш учун маблағларни молиялаштириш масаласи кўрилмаган.

Бугунги кунда шаҳар ва туманларнинг барчасида чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойлари ташкил этилган бўлса-да, уларнинг ҳолати санитария талабларига жавоб бермайди. Ушбу жойларнинг атрофи ўралмаган, юзаси асфальт ёки бетон қилинмаган, чиқинди қутилари билан таъминланмаган. Тўпланган чиқиндиларни ўз вақтида қатъий график асосида чиқариб ташлаш ишлари йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Жиззах шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси билан "Заргарлик" маҳалласи ўртасида чиқиндиларни олиб кетиш ҳақида шартнома тузилган бўлса ҳам, бошқарма томонидан маҳалладаги чиқиндиларни белгиланган вақтда олиб кетиш чоралари кўрилмаган. "Чиқинди қабул қилиш пункти"га олиб келинган чиқиндилар турига қараб жойлаштирилмаган. Чиқиндиларни утилизация қилиш ҳамда кўмиш учун махсус техника йўқлиги сабабли чиқиндилар атрофи бетон тўсиқлар билан ўралмаган. Шунингдек, шаҳардаги 11 та маҳалладаги мавжуд 30 та чиқинди сақлаш пунктларига шу кунга қадар махсус контейнерлар ўрнатилмаган. Улар санитария ва экология меъёрлари асосида жиҳозланмаган, давлат экологик экспертизаси хулосалари олинмаган. Энг ачинарлиси, шу кунга қадар шаҳардаги 17 та маҳалла фуқаролар йиғинларида чиқиндиларни вақтинча сақлаш пунктлари ташкил этилмаганлиги боис, ҳар хил чиқиндилар аҳоли томонидан дуч келган жойга ташлаб кетилмоқда.

Пахтакор туман ҳокимининг шу йил 14 февралдаги қарорига асосан тумандаги "Туркистон Мамировлар" СИУ ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонидан туман ободонлаштириш бошқармасига марказий чиқиндихона ташкил этиш учун 4 гектар ер майдони ажратилган. Қарорнинг қонунийлиги ўрганилганда, унинг Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунига зид равишда, давлат экология экспертиза хулосаси олинмасдан қабул қилинганлиги маълум бўлди. Шунингдек, Арнасой, Дўстлик, Фориш, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал, Зарбдор ва Мирзачўл туманларида ҳам юқоридаги каби қонунбузилиши ҳолатларини кўриш мумкин.

Зарбдор туманида эса Ободонлаштириш бошқармаси томонидан маҳалла ва аҳоли ҳамда ташкилотлар билан чиқиндиларни олиб чиқиш бўйича шартномалар тузилмаган. Шунингдек, туман марказида чиқиндиларни тўплаш контейнерлари қўйилмаганлиги натижасида "Ойбек", "Тинчлик" ва "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги кўп қаватли уйлар олдида ҳеч бир рухсатномага эга бўлмаган тўртта чиқиндихона пайдо бўлган.

Бундан ташқари, Арнасой тумани "Олтин водий" СИУдаги чиқиндилар ташлаш учун номигагина 8 гектар ер майдони ажратилган бўлса-да, ушбу ҳудуд ахлат ташлаш учун жиҳозланмаган. Мутасадди идораларнинг масъул ходимлари қонун билан юклатилган вазифаларни бажармаганликлари оқибатида туманда турли хил саноат, рўзғор ва бошқа турдаги чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш ҳамда санитария-эпидемиология қоидалари бузилган ҳолда барча маҳалла ва аҳоли яшаш пунктлари ҳудудларида, йўлларнинг четларида, зовур ва коллектор бўйларида чиқиндилар тўпланиб қолган. Масалан, туманнинг "Тошкент" МФЙ ҳудудидаги Самарқанд ва Тошкент кўчаларида яшовчи аҳоли чиқиндиларни Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи орқа томонига ташлашга ўрганиб қолган. 10-умумтаълим мактаби рўпарасидаги аҳвол ҳам ундан қолишмайди.

Умуман, вилоят прокуратураси органлари томонидан қайд этилган қонунлар ижроси юзасидан 23 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Ваколатли органларга 16 та тақдимнома киритилиб, 1 та ғайриқонуний қарорга протест келтирилди.

# Мурожаатларнинг қонуний асослари такомиллашмоқда

**Олим ЎСАРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, бу борада самарали ҳуқуқий база яратилди. Аввало, Конституциямиз нормалари мамлакатимиз тарихида илк бор инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди. Жумладан, Бош Қонунимизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", деб белгилаб қўйилган. Яратилган ушбу ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари — мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз фуқароларнинг мурожаатлари, уларни кўриб чиқиш, ҳал этиш масалаларига доимо алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида "Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим", деб алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шиддат билан ўзгараётган бугунги замонда, энг муҳими, халқимизнинг кундан-кунга ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга, уларнинг талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг фуқароларнинг мурожаатларига эътибор билан ёндашишлари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси алоҳида ўрин тутади.

Қонун лойиҳаси амалдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун нормалари ва қоидалари негизида ишлаб чиқилган. Айтиш жоизки, конституциявий нормалар ва ундаги кафолатлар асосида бу борадаги махсус қонунчилик ривожлантирилди.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш предметини фақатгина фуқароларнинг мурожаатлари ташкил этган, бироқ юридик шахсларнинг давлат органларига мурожаатларини кўриб чиқиш эса мазкур қонун билан қамраб олинмаган. Бу фуқаролар билан бир қаторда, юридик шахсларнинг ҳам ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш институтидан фаол фойдаланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, ушбу соҳадаги қонунбузилишлар учун жавобгарликни белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари тартибини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда амалдаги қонунга нисбатан бир қатор янгиликлар бўлиб, улар қуйидагиларда акс этади. Биринчидан, тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқларини таъминлаш, жумладан, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилади.

Иккинчидан, мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалаётган "электрон мурожаат" турининг ҳуқуқий мустаҳкамланишини таъминлайди.

Учинчидан, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишдаги масъулияти оширилади.

Тўртинчидан, қонун лойиҳасида амалиётда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилган, таъриф берилган ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланмоқда. Бу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг номи амалдаги қонунга нисбатан бирмунча ўзгартирилган ва кенгайтирилган. Бунда хорижий тажриба ҳам ўрганилиб, унинг миллий қонунчилигимиз билан уйғун, илғор жиҳатларига эътибор берилган. Лойиҳада янги субъект — юридик шахслар киритилишини ҳисобга олган ҳолда уни амалдаги қонунчилик терминологияси билан мувофиқлаштириб, бир-бирига мутаносиб номланиши мақбул, деб топилган.

Халқаро тажриба ҳамда хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Германия, Канада, Норвегия, АҚШ, Швейцария, МДҲнинг айрим давлатларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида фақат фуқароларнинг эмас, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда. Зеро, ҳозирда қонун ҳужжатларида фақат фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, ушбу турдаги жавобгарликлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида (Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) ва Жиноят кодексининг 144-моддасида (Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) белгиланган. Бироқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ва Жиноят кодексининг кўрсатилган моддалари юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қамраб олмаган. Бу эса давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш аҳволини мураккаблаштираётган эди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишдаги қонунбузарлик учун тегишли маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар аъзолари "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқдалар. Жумладан, сайловчилар билан учрашувлар ва турли тадбирлардаги иштироки орқали қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва мақсадлари тўғрисида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Шу билан бирга, сайловчилар ва партия электорати томонидан билдирилаётган мақбул таклиф-мулоҳазаларни қонун лойиҳасида акс эттиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар билан бирга юридик шахсларнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшимча кафолатлар яратиш имконини беради. Бундан ташқари, давлат органларида маъмурий амалиётнинг қонунийлигини ошириш ҳамда мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасидаги масъулиятини янада кучайтиришнинг таъсирчан чораси бўлиб хизмат қилади.

# «Асака» банк: сармоялар саломатлик сари йўналтирилмоқда

***Эл саломатлиги юрт бойлигидир. Бу сўзлар замирида олам-олам маъно ётганлиги барчага аён. Муҳтарам Президентимиз томонидан юртимиз аҳолиси саломатлигини янада яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлиги доимо таъкидланиб келлинаётгани бежиз эмас.***

Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури асосида тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали тизим, яъни ўзига хос миллий модел яратилди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал ташкилий тузилмаси шакллантирилди. Жумладан, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда уларни даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, пировард натижада — одамларнинг, айниқса, болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижроси натижасида мазкур соҳада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг тиббиёт муассасамиз ҳам аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларда ўзининг муносиб ҳиссасига эга. Бунда бизга республикамизда етакчи банклардан бири саналган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ўз молиявий кўмаги билан катта ёрдам бермоқда.

Тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида хорижда ишлаб чиқарилган замонавий, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган медицина ва диагностика ускуналарини сотиб олишни режалаштирдик ва режамизни амалга ошириш максадида "Асака" банкнинг Самарқанд вилоят филиалига мурожаат этдик. Банк жамоаси бизнинг кредитга бўлган талабимизни қисқа муддатда кўриб чиқиб, ижобий ҳал этди. Банк кредити ҳисобига хорижда ишлаб чиқарилган ноёб тиббиёт ускуналари, магнит-резонанс томографи келтирилди. Бу эса бизга Самарқанд вилояти аҳолисига, уларнинг талаби асосида барча тиббий амалиётларни тезкор амалга оширишга кенг имкониятлар яратди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида тиббиёт муассасамизда 50 нафар ходим иш билан таъминланди ва барқарор иш ҳақига эга бўлди. Бу эса ўз навбатида, шунча оиланинг турмуши фаровон бўлишига замин яратди.

Бизга мурожаат этиб, шифо топганлар билан суҳбатлашганмизда "Умрингиздан барака топинг", "Қўлингиз дард кўрмасин", "Болачақангизнинг роҳатини кўринг", деган сўзларни кўп эшитамиз. Бундай сўзлар ҳар бир тиббиёт ходимига ҳар куни минг-минглаб инсонлар томонидан айтилади. Ўз умрини инсон саломатлигини асрашдек дунёдаги энг улуғ, энг савобли ишга бағишлаган шифокорлар бундай меҳрга, бундай миннатдорлик сўзларига муносиб, албатта. Дарҳақиқат, юртдошларимизнинг ана шундай миннатдорлик сўзларига, аввало, бизнинг ҳамкасбларимиз учун энг қулай шароитларда, энг илғор жиҳозлар билан ишлаш учун имкониятлар яратишда молиявий кўмак берган "Асака" банк жамоаси ҳам муносибдир. Чунки, бундай эътибор ва кўмак бўлмаса, биз халқимизга талаб даражасида хизмат кўрсата олармидик? Албатта, йўқ.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банкнинг ҳар томонлама мадади бизнинг муассасамиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин ҳам "Асака" банк ҳамкорлиги ва кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшамиз, деган ниятдамиз.

**Жамшид НУРИЛЛАЕВ,**
"BIO NUR MED SERVIS" МЧЖ раҳбари

# Телекоммуникатив тизимни глобаллаштиришда ўқувчиларни ахлоқий тарбиялаш



**Улуғбек МАМАЖОНОВ,**
Бош прокуратуранинг
ОЎК етакчи мутахассиси

***Миллий хавфсизликни назарий ва амалий жиҳатдан таъминлаш одатда ҳарбий кучларнинг вазифаси сифатида белгиланган. Бугунги кунга келиб, вазият ўзгарди. Чунки, ахборий жамиятнинг шаклланиш воқелиги бундай ёндашувларни энди чеклаб қўйди. Ахборот инқилоби иқтисодий ва ижтимоий глобаллашувнинг асосий бўғини ҳисобланади. Замонавий технологик инқилоб асосида илмий ва технологик кашфиётлар ётибдики, улар телекоммуникация воситасида маълумот алмашиш ва тадқиқот қилишга имкон яратади.***

Сиёсатшунослар "ахборий" деб атаган жамият индустриал жамиятдан кескин фарқ қилади. Бугун энг ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Канада, Японияда, Ғарбий Европанинг катта қисмида, Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган баъзи мамлакатларда ахборий инфратузилмалар ташкил этилган бўлиб, улар мазкур мамлакатлардаги жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Бундан ташқари, дунёда ягона глобал тизимга тезкор суръатда ўтишга мойиллик ҳам кўзга ташланмоқда. Янги пайдо бўлган ахборий жамиятнинг технотузилмаси соҳасида кўплаб одамлар банд бўлишига қарамай, саноат йўқ бўлиб кетмайди ва ўз мавқеини йўқотмайди. Биринчи навбатда янги жамиятдаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва алоҳида хизмат кўрсатиш соҳалари билан эмас, балки уларнинг бирбири билан ўзаро ахборий алоқада экани характерлидир.

Сўнгги бир неча йиллар ичида компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши ҳамда уларнинг ўқув жараёнига интенсив равишда татбиқ қилиниши таълим тизимида том маънодаги ижобий ўзгаришларга олиб келди. Мазкур ўзгаришлар таълим тизими тузилмаси, ўқитиш жараёни методологияси ва технологиясигагина эмас, балки унинг стратегик йўналишига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу таълим-тарбия тизими олдига янги вазифаларни юклади. Ушбу Фармон ижросини амалга ошириш учун ахборот-коммуникацион технологиялари соҳасидаги стратегик устувор амалиётларни жорий қилиш бўйича амалий чораларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 июнда "Компьютерлаштириш, такомиллаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди.

Мамлакатимизда ва умуман дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши билан ахборот технологияларидан фойдаланиб, давлат ва инсонларга зарар етказиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатларни содир этиш хавфи ортмоқда. Ушбу ҳолат ягона методологик ёндашув ва уларнинг ҳимояланганлик даражасини оширишга оид усул ва воситаларни танлаш асосида ахборот-коммуникация тизими ва алоқа тармоғи каби ахборот инфратузилмасининг муҳим сегмент ва объектлари хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ахборот хавфсизлиги ҳозирги вақтда жамият ҳаёти ва давлат фаолиятининг барча соҳаларида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда, исталган давлат миллий хавфсизлигининг муҳим ташкил этувчисига айланмоқда. Кўпгина компьютер жиноятлари Internet тармоғи томонидан ўз фойдаланувчиларига яратилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда содир этилади. Жиноий фаолият учун Internetдан восита сифатида фойдаланишда қонунбузувчиларни криминал характердаги ахборот алмашинувининг имконияти ўзига жалб этади. Internet тармоғининг жиноятчилар эътиборини тортувчи бошқа бир жиҳати — инсонларга ахборот-руҳий таъсир кўрсатишни глобал масштабларда амалга ошириш имкониятидир.

Internet тармоғи айнан жиноят содир этиш қуроли сифатида катта қизиқиш уйғотади. Энг оддий ҳолатда бу жиноятлар муаллифлик ҳуқуқини поймол қилиш билан боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, глобаллашув шароитида интеллектуал захираларнинг ўзаро бойитилиши ва мулоқот имконияти ўсибгина қолмай, балки миллий маданият ҳам бойитилиб, умуминсоний қадриятларга эришиш имконияти ортади. Шунингдек, глобаллашув этномиллий омилларнинг сиқиб чиқарилиши билан боғлиқ хавфни вужудга келтириб, ёшларда ўз турмуш маданиятини ўрганишга иштиёқни сусайтириши, ғарб маданияти таъсирида маънавий-мафкуравий қашшоқлашиш, халқона қадриятларнинг унификациялашуви кабиларнинг юзага келишига имконият туғдириши ҳам мумкин. Бунда глобаллашувнинг ўзи маданиятга тўғридан-тўғри, бевосита таъсир кўрсатмай, балки ахборот технологиялари ва телекоммуникация тармоқлари (спутник телевидение, Интернет)нинг кенг тарқалиши ва интенсив ўсиши ва ривожланиши катта таъсир кўрсатади.

"Глобаллашув" тушунчаси, унинг маъно-мазмуни ва инсоният тараққиётидаги ўрни масаласига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, глобаллашув жараёни ер юзидаги мамлакат ва халқларни шу даражада узвий боғлаб қўймоқдаки, буни башарият тарихида шу пайтга қадар ҳеч қайси восита амалга ошира олмаган. Бу жараён шунчалик кучайиб бормоқдаки, ҳозирданоқ дунёнинг бирон-бир ҳудуди унинг таъсиридан холи қолаётгани йўқ. Албатта, бир томондан қараганда, бу жараённинг ижобий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, кўпгина мамлакатларга фан-техника, технология ютуқларининг жадал кириб келиши глобаллашув туфайли содир бўлмоқда. Бу эса уларнинг иқтисодий ҳаёти ривожига, халқлар турмуш даражасининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, телевидение инсон тафаккурига бошқарувчанлик даражасида таъсир кўрсатади. Хорижлик олимларнинг уқтиришича, оммавий ахборот воситаларининг шахсни деструктив манипуляция қилиши миллий зиддиятлар, экологик ҳалокат ва демографик қашшоқлашув билан биргаликда, учинчи минг йилликнинг муаммосига айланади. Замонавий технологиялар, тафаккурга нисбатан янги манипуляция усули сифатида айниқса мактаб ёшидаги болалар учун катта хавф туғдириши мумкин. Айнан болалар ахборотларни қабул қилувчиларнинг нисбатан ҳимояланмаган таркибига мансуб ҳисобланадилар. Катталардан фарқли равишда улар ўзларини ҳимоя қилишга қодир эмаслар ва ахборотларга танқидий муносабатда бўлиш лаёқати уларда етарлича шаклланмаган.

Маълумки, мультипликацион фильмлар болаларга ҳамиша эзгулик ва ёвузлик ҳақида сабоқ бериб, уларда яхши ёки ёмон хулқ-атвор ҳақидаги тушунчаларни шакллантириб келган. Лекин бугунги кунга келиб, телевизион кабел дастурлари орқали агрессив, ахлоқдан ташқари мазмунга эга бўлган мультфильмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, хорижий фильмлар ҳам зўрлик ва зўравонлик ҳақидаги сюжетлар билан тўлиб-тошганлиги барчамизга яхши маълум. Мактаб ўқувчиларининг трансляция қилиб олинаётган ахборотларни адекват қабул қилишга психологик ва педагогик тайёргарлигининг амалга оширилмаётганлиги болаларга салбий таъсир кўрсатади.

Мактаб ўқувчисида танлаш хусусияти шаклланмаган ва таркиб топмаган. Шу сабабли у ягона негизга эга бўлмаган маданият таъсирини, хусусан, агрессив ахборотларни қайта ишлаб чиқиш ва трансформациялашга қодир эмас. Шунга мувофиқ, таълим тизими олдида тарбиявий характерга эга бўлган масалаларни ҳал этиш муаммоси кўндаланг бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони амалга оширишда ўқитувчи синфда "Ахборот соатлари"ни ўтказиши лозим. Бундай соатларнинг асосий вазифалари: хорижий давлатларнинг душманлик хуружларининг олдини олиш; мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш; мулоқот маданиятини шакллантириш; ёшларнинг ўз касбига бўлган муҳаббати ва содиқлигини янада мустаҳкамлашдан иборат. "Ахборот соатлари"ни олиб боришда мулоқот маданиятига катта эътибор қаратилади. Айниқса, мулоқотнинг муҳим кўринишлари сифатида нутқ маданиятига, аксарият ҳолатларда сўзловчилар ўз нутқларига аҳамият бермаётганлиги кўзга ташланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш зарурки, бугунги кун ёшлари ижтимоий жараёнлар моҳиятини англайдиган, фаровон келажакка умид кўзи билан қарай оладиган, истиқлол юкини ҳис қиладиган бўлиб шаклланишларида ахборотлаштириш жараёнининг хавфсизлигини таъминлаш беқиёс аҳамиятга эгадир.

# Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар

***Жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тезкор ходимлардан юзага келган турли хил криминал вазиятларга дарҳол жавоб кайтаришга мувофиқ келадиган махсус куч ва воситаларини қўллаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни (ТҚФ тўғрисидаги Қонун) талабларига асосланган энг мақбул қарорларни қабул қилиш талаб этилади.***

Тезкор вазият ва жиноятчиликнинг ҳолати, шунингдек, амалга ошириш лозим бўлган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш учун сабаб ва асослар мавжуд бўлиши лозим. Тезкор ходимга тезкор-қидирув муносабатлар соҳасига оид қонунга хилоф ҳаракатларнинг (ҳодиса, жараён) аломатлари тўғрисидаги маълумотларнинг келиб тушиши тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун сабаб деб эътироф этилади. Бундай маълумотлар ёзма (тезкор-хизмат ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, текширувлар материаллари, конфидентларнинг хабарлари ва ҳ.к.) ҳамда криминал вазиятнинг мураккаблашишига олиб келадиган оқибатларга қарши кескин ва таъсирчан чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда оғзаки шаклда ҳам келиб тушиши мумкин.

Сабабларда тезкорлик билан жавоб қайтариш талаб қилинадиган ижтимоий хавфли ва бевосита қонунга хилоф қилмишларни ўз ичига олган мазмундаги ҳақиқий маълумотнинг мавжудлиги — тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос сифатида хизмат қилади. Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асосларни ҳақиқий ва юридик асосларга ажратиш мумкин.

Қонун ҳужжатларида кўрсатилган ёки қонунга хилоф қилмишларнинг аломатлари ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни қўлга киритиш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга қаратилган бевосита объектив сабаблар — ҳақиқий асослар сифатида қаралади.

/Давоми 8-бетда/

# Қонунга ҳурмат — элга ҳурмат

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг, жамиятимизда демократиянинг ривожланиши, ҳуқуқий тарғиботнинг мустаҳкамланиши, ҳар бир шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши давлатимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига хизмат қилади. Олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришишда эса қонунийликнинг таъминланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.*

**Аҳрорхон ЖЎРАХОНОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сирдарё вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган даврда қонунийликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш орқали янги иш ўринлари ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш, шунингдек, уларнинг йўлида учраётган маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар бесамар кетмаяпти. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш борасида мурожаат этган 129 нафар фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, 214 та янги иш ўринлари яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини қонуний асосда олиб боришга бағишлаб ўтказилаётган тарғибот тадбирлари кўзланган натижани бермоқда. Жумладан, Сирдарё туманида яшовчи фуқаро М.Маҳмудовага фаолиятини қонуний тарзда рўйхатдан ўтказиб юритиши лозимлиги тушунтирилиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида ташкил этилган "Baxt universal teks" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ҳозирги кунда ушбу жамиятда 49 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Шундай бўлса-да, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, давлат бюджетига зарар келтираётган шахслар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларни бартараф этиш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида 26 та ҳолатда қонунбузарлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди.

Одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга бугуннинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Бироқ жамиятимизда бундай иллат билан шуғулланаётган кимсалар ҳамон учраб турибди. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида 4 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Масалан, фуқаро Ш.Ҳатамовнинг аризасига асосан ўтказилган текширишда фуқаро М.Бердибеков одам савдоси билан шуғулланганини фош этилди. У фуқаролар Ш.Ҳатамов, Д.Ниёзова, В.Муталов ва Ё.Арсаломовларни алдаб, хорижда кўп миқдорда маош тўланадиган ишни ваъда қилган ҳолда Россия Федерациясининг Волгоград шаҳрига олиб боради ва ўзига таниш бўлган корейс миллатига мансуб "Ким Гоша" исмли шахсга топширади. Уларни моддий жиҳатдан қарам қилиш йўли билан фуқаролик паспортларини олиб қўяди. Шу тариқа 2012 йилнинг апрель ойидан ноябрь ойига қадар уларни оғир шароитдаги қурилиш ишлари билан шуғулланишга мажбур қилган М.Бердибеков жабрланувчиларнинг 6 ой давомида ишлаб топган иш ҳақларини беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро М.Бердибековга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Бундан ташқари, яширин ишлаб чиқариш билан боғлиқ 22 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 19 та ҳолатда жиноят ишлари ва 2 та маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар қўзғатилиб, айбдорлардан жами 51,6 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган ишларимиздан кўзланган мақсад битта — қонун устуворлигини таъминлаш, инсон қадр-қимматини юксалтириш ва фуқароларимиз онгида қонунларга ҳурмат туйғусини уйғотишдир.

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг иқтисодий негизлари, барча мулк шаклларининг тенг ҳимоя қилиниши, иқтисодий ва бозор ислоҳотларининг ўзига хос тамойиллари ва қоидалари ўз аксини топганки, бу албатта, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида муҳим таянч бўлиб хизмат қилмоқда.*

# Тадбиркорлик ҳимояси

**Дилшод ҚАЮМОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Навоий шаҳар бўлими суриштирувчиси

Ушбу жараённинг узвий давоми сифатида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги департамент органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, департаментнинг Навоий шаҳар бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлик субъектларига турли бюрократик тўсиқлар яратиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби суиистеъмолчиликларга йўл қўйган маҳаллий ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари, солиқ, банк ва бошқа идораларнинг мансабдорларини фош этиш бўйича тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиши ташкиллаштирилиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига айрим маҳаллий амалдорлар, банк мансабдор шахслари томонидан уларнинг фаолиятига ўз манфаатлари йўлида тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Жумладан, департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва Навоий шаҳар бўлими томонидан якка тартибдаги тадбиркор Назокат Мардонованинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишда ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар бўлими "Янги Ҳаёт" минибанки ходими Ўткир Муҳаммадиев укалари якка тартибдаги тадбиркорлар Умар ҳамда Ўлмас Муҳаммадиевларнинг банкдан олган кредитларини ёпиш учун Н.Мардонованинг ҳисоб рақамидан жами 625 минг сўм пул маблағларини олиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, ўтказилган терговолди текширув ҳаракатлари давомида ДТ "Халқ банки" Навоий шаҳар бўлимининг банк пластик карточкалари бўлими оператори Н.Маъмуров Н.Мардонованинг савдо картасидан жами 1089,6 минг сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги маълум бўлган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув-тергов ҳаракатлари олиб борилган ҳамда суд томонидан уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилган.

Департамент органлари томонидан шунингдек, хуфиёна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётган фуқароларнинг қилмишлари аниқланиб, уларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйилмоқда. Бундан ташқари, ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган шахсларга ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланмасдан, уларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятларига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имкон бўлса, фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиши учун лозим бўлган тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу борада ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида ўз ишини бошлаш арафасида турган хўжалик юритувчи субъектларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

# Савдо дўконидаги қўлбола ароқлар

*Бағдод тумани Пахтаобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Говхона қишлоғида яшовчи фуқаро Бахтиёр Мамадалиевнинг дўконидаги ишлари, топиш-тутиши ҳам жойида эди.*

**Рустам ТАДЖИБАЕВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси катта инспектори

Бироқ пули кўпайгани сари нафси ҳам хуруж қила бошлади-ю, даромад топишнинг ноқонуний бўлса-да, осон йўлини топишга уринди. Бошқаларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солишдан ҳам қўрқмай, хонадонида қўлбола ароқ тайёрлай бошлади. Дўконидан қўлбола ароқлар узилмай қолди.

СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Бағдод туман бўлими, туман ИИБ ва туман ДСИ ходимлари томонидан ноқонуний равишда қўлбола усулда алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига барҳам бериш мақсадида ўтказилган тезкор тадбирда Б.Мамадалиевнинг хонадонидаги яширин цех фош этилди. Бу ердан 1,5 литрли 3 та полиэтилен идишларда 3,5 литр этил спирти, шиша идишларга қуйилиб, қалбаки акциз маркалари билан қадоқланган 80 дона алкоголли ичимликлар, бир хил серия рақамли акциз маркалар, темир қопқоқлар, суюқлик қуйиш мосламалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, унга қарашли дўконда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 16 турдаги Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари ёпиштирилган 118 шиша алкоголли ичимликлар мавжудлиги аниқланди ва жами 31 турдаги товар-моддий бойликлар расмийлаштирилди.

Вилоят ИИБ ЭКБнинг хулосасига кўра, Б.Мамадалиевнинг хонадонидаги яширин цехдан ашёвий далил тариқасида олинган акциз маркаларининг қалбаки эканлиги ўз тасдиғини топди.

Бундан кўринадики, Б.Мамадалиевнинг ҳаракатларида қалбаки акциз маркаларини ўтказиш жинояти таркиби ҳам мавжуд экан. Шу сабабли унга нисбатан ЖКнинг 176-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судида кўриб чиқилди. Суднинг ажрими билан Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрь куни "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори 6-бандига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.

Бу ноқонуний фаолият билан шуғулланган Б.Мамадалиев учун шунчаки кечириш эмас, балки унга қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олиш ва қайта бундай ёмон қилғиликларга қўл урмаслик учун берилган имкониятдир. У шуни тушуниб етса бас.

# Бозордаги «тадбиркор»

*Юртимизда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш юзасидан керакли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари соҳанинг тобора тараққий этишини кафолатламоқда. Яратилаётган шарт-шароитлар эвазига соҳа вакиллари ўз имкониятларини ишга солиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига баракали улуш қўшмоқдалар.*

**Насим ТУРОПОВ,**
СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Иштихон туман бўлими бошлиғи

Шундай бўлса ҳам, ҳали-ҳануз ноқонуний равишда тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётганлар учраб турибди. Иштихонлик Шуҳрат Хожанқулов ана шундайлар сирасига киради. У уйидаги цех ёрдамида пахта чигитидан тайёрланган ёғни бозорда сотишга йўлга қўйди.

СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Иштихон туман бўлими томонидан ўтказилган тадбир давомида Шуҳрат Хожанқуловнинг ҳовлиси кўздан кечирилиб, яширин цех ташкил қилингани маълум бўлди. Цех холислар иштирокида кўздан кечирилганда, сотиш мақсадида сақлаб келинган 180 литр пахта ёғи ва 25 дона бўш елим идишлар топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Суриштирув ишлари мобайнида Шуҳрат Хожанқулов маҳалла томонидан берилган ёғни йиғиб юрганини, пулга зарур бўлгани учун сотмоқчи эканини важ қилиб кўрсатди. Баъзида Иштихон "Деҳқон бозори"да ёғ сотганини ҳам тан олди.

Тергов ҳаракатлари ўтказилгач, мазкур жиноят иши судга оширилди. Суд томонидан Ш.Хожанқулов икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди.



# Найрангбознинг тавбаси

**Муҳаммадислом АҲМАДЖОНОВ,**
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

***Наманган вилоятида истиқомат қилувчи Муҳаррам Топиболдиеванинг ўғли Комрон арзимаган баҳона сабаб таниши Музаффар билан жанжаллашиб қолди. Музаффар касалхонага тушгач, бу ҳақда унинг онаси ҳудуд профилактика нозирига маълум қилди. Хуллас, бу иш Балиқчи тумани ички ишлар бўлими терговчиси, 1986 йилда Андижон шаҳрида туғилган Лочин Соиповга бориб қадалди... Комрон Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси билан айбдор, деб топилди.***

Бир куни профилактика инспектори Муҳаррамга қўнғироқ қилиб, уларни терговчи йўқлаётганини айтди. Лочин Соипов ўз хонасига ташриф буюрган она-болани обдан сўроқ қилди. Онанинг тадбиркорлигини билгач, қандай бўлмасин, ундан тамагирлик йўли билан пул ундиришни дилига тугиб қўйди. Гарчи бу иш ўзи эгаллаб турган мансаб ваколати ҳамда амалдаги қонунчиликка зид эканини билса-да, нафс жазаваси тубан мақсад сари ундайверди.

— Музаффарнинг онаси мендан харажатлари учун 460 минг сўм пул сўради, — деди Муҳаррам терговчига.

— Берманг, агар берсангиз, судгача яна сўрайверади, — деди Лочин.

— Энди бу ёғи нима бўлади? Мени Тошкентда ишим бор эди, — безовталанди Муҳаррам.

— Сиз хотиржам кетаверинг, — уни тинчлантирди Лочин.

Бироқ эртасигаёқ Муҳаррамга қўнғироқ қилиб, иш гўё бошқа терговчига ўтиб кетганлигини, Музаффарнинг онаси прокурорга ариза ёзганлигини маълум қилди. "Музаффарнинг харажатлари учун" унинг онасига пул бериб қўйиши зарурлигини, аҳвол тобора жиддий тус олаётганлигини айтиб, Муҳаррамни саросимага солиб қўйди.

— Бўпти, эртага бораман, — деди Муҳаррам.

Чиндан ҳам у эртасига қайтиб келиб, жабрдийданинг онасини топиб, унга беш юз минг сўм берди ва Музаффарнинг онаси туман ички ишлар идорасига келиб, етказилган маънавий-моддий зарар қопланганлигини, Комрон ва унинг оиласига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди. Муҳаррам "Энди хотиржам бўлдим", деб турганда Лочин уни тағин йўқлади ва "Ўғлингиз Музаффарнинг телефони ва пулини олиб қўйган экан, онаси прокурорга ариза ёзибди", деди. Муҳаррам бўлган воқеани айтиб берса-да, терговчининг тан олгиси келмади. Прокурор "Қамайсан деяпти", деб ёлғон гапирди. Хуллас, прокурор икки ярим минг доллар сўраётганлигини маълум қилди.

— Менда ҳозир бунча пул йўқ, — деди Муҳаррам.

— Мен ҳам опа бунча беролмайди, бир минг уч юз доллар берса ҳам катта гап, деб сизга енгиллик қилиб қўйдим. Билиб қўйинг, бу ерда ўғлингизнинг тақдири ҳақида гап боряпти. Қамалиб кетса, яхшими? — уни қўрқита бошладию, Муҳаррамнинг иккиланиб қолганини кўргач, "яхшилик" қилмоқчи бўлди:

— Майли опа, сиз бир минг уч юз доллар бераверинг, мен ёнимдан икки юз доллар қўшиб, бериб тураман, — деди.

— Бирор ҳафтада қилиб бера оламан, — деди Муҳаррам.

Лочин бунга рози бўлган бўлса-да, ҳар икки кунда унга қўнғироқ қилиб, "пулни тезлаштиринг", деб қисталанг қила бошлади. Ниҳоят, кунларнинг бирида Муҳаррам унга қўнғироқ қилиб, пул топиб қўйганлигини айтди.

— Балиқчининг марказига келаверинг, — деди Лочин.

Муҳаррам боргач, терговчи ҳам кўп ўтмай, ўз бошқарувидаги автомашинада етиб келди.

— Ўтиринг, — деди у.

Муҳаррам машинага чиқди. Аввал бир минг уч юз доллар, сўнг "Қўшиб турган пулингиз", деб яна икки юз доллар узатди. Лочин муддаосига эришганидан қувониб, пулларни машина бардачогига жойлаб қўйди.

— Бўлдими? — сўради аёл.

— Ҳа, орамиз очиқ. Мен, албатта, судда ўғлингизга енгиллик бераман, — деди терговчи.

Бироқ у сўзини тугаллаб улгурмасидан, фуқаро кийимидаги кишилар пайдо бўлишди ва унинг хизмат гувоҳномасини сўрашди. Булар ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва холислар эдилар. Шошиб қолган терговчи хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Машина бардачогига солинган, умумий қиммати 1500 АҚШ долларидан иборат пора тариқасидаги пуллар ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судида ўтказилган суд мажлисида ушбу ашёвий далиллар ва иш юзасидан тўпланган бошқа материаллар Лочиннинг айбини тасдиқлашда омил бўлиб хизмат қилди. Қилаётган ишининг номақбуллигини била туриб, билмасликка олган, қонун ҳимоячиси бўла туриб, қонунга зид иш содир этган Л.Соипов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли модда ва бандларига кўра айбдор деб топилди. Унга узил-кесил 8 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

***Агар йигит севган қизини ёки эр хотинини рашк қилса, бу табиий бир ҳолат сифатида қабул қилинади. Бироқ Қамариддин Расулов(исм-фамилиялар ўзгартирилган)-нинг бошқа бир одамнинг турмуш ўртоғи бўлган Малика Шомуродовани рашк қилишига нима сабаб бўлди экан?..***

# Қўшни аёлни рашк қилиб...

**Баходир ЮНУСОВ,**
Сурхондарё вилоят прокурори ёрдамчиси

Эри билан Россия давлатида бирга ишлаб, юртига қайтган Малика фарзандлари билан бирга яшарди. Турмуш ўртоғи ўзга юртларда бўлганлиги учун, қўшни эркак бу аёлга баъзи ишларида ёрдамлашиб юрарди. Ўзини холис хизмат қилаётгандек кўрсатаётган Қамариддин ҳожатбарорлик ортидан бошқа мақсадларни кўзлаган эди. У бунга эришди ҳам. Қ.Расулов "ёрдам"лари эвазига Маликадан "хизмат ҳақи"ни олишга эришди. Аммо кутилмаганда пайдо бўлган яна бир "ҳожатбарор" унинг рашкини қўзғатди.

Маълум бўлишича, М.Шомуродованинг уйига серқатнов бўлиб қолган Озодбек Жалолов бу аёл билан Россия давлатида танишган эди. У ҳам Қамариддин каби Маликага ёрдам бериб, аёлнинг кўнглига йўл топган экан. Озодбек ва Малика ўртасидаги "ишқий" муносабатлардан хабар топган Қамариддин ўзини қўярга жой топа олмай қолди.

Рашкдан олов бўлиб ёнаётган Қамариддин қатъий қарорга келиб, 2013 йилнинг 26 март куни чамаси соат 20:30ларда М.Шомуродованинг хонадони олдида пайдо бўлди. Мақсади "рақиби" билан орани очиқ қилиб олиш эди. Ташқарига чиққан Озодбек қаршисида пайдо бўлган нотаниш одамни кўриб, ҳайрон бўлди. Қамариддин уни гаплашиб олиш учун шу ердан 200-250 метрлар наридан ўтган "Дайтўлак" каналининг кўпригига бошлаб борди. Кўприкка етиб келганларида у Озодбекка "Шимингнинг камарини еч", дея буюрди. О.Жалолов итоаткорлик билан шимининг камарини ечиб, Қамариддинга узатди. Қўшни аёлнинг ошиғи эса, ана шу камар билан Озодбекнинг бўйнидан бўға бошлади ва жон таслим қилгунча ушлаб турди. Қ.Расулов мазкур жиноятини яшириш мақсадида мурдани каналга ташлаб юборди.

Шу тариқа рақибини йўлдан олиб ташлаган Қамариддин бироз хотиржам тортиб, уйига қайтди. Аммо бу узоқ давом этмади. Унинг қилмиши ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан фош этилиб, қотил қўлга олинди. Бировнинг турмуш ўртоғини рашк қилиб, оғир жиноятга қўл урган бу кимса суднинг қора курсисидан жой олди. Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди томонидан Қамариддин Расуловга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



# Жаҳл келганда...

**Бегзод ЛАТИПОВ,**
Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси

***Кечки овқатни тановвул қилиб бўлиб, энди телевизор кўришга чоғланган Жасурнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қўнғироқ қилган синфдоши бўлиб, "тез кўчага чиқ", деди шоша-пиша. У ҳайрон бўлиб ташқарига йўл олар экан, кўча томондан шовқин эшитилди-ю, одимини тезлаштирди. Чиқиб қараса, қўшниси Мурод (исм-фамилиялар ўзгартирилган) унинг уч-тўрт нафар синфдошлари билан жанжаллашиб турибди.***

"Оббо, яна мастга ўхшайди-ку! Ҳеч тинч юрмас экан-да, бу одам...". У шундай хаёллар билан улар томон югуриб борди-да, оғайниларига тарқалишни айтиб, Муроднинг қўлидан ушлаб, четга торта бошлади. Аммо Мурод бўйсунмай, "рақиб"лари томон ҳезланганча, тўполон қилишни қўймади. Жасур бир амаллаб уни уч-тўрт метр узоққа олиб борган ҳам эди, Мурод энди унга дўқ ура кетди.

— Мурод ака, ҳозир мастсиз. Эртага, ўзингизга келганингиздан кейин гаплашамиз. Энди уйингизга боринг... — Жасур гапини тугатолмади. Дабдурустдан юзига тарсаки тушди. Буни кутмаган Жасур бир зум эсанкираб қолди-да, ўзини тутолмай, у ҳам қўшнисига мушт билан жавоб қайтарди. Зарба кучли бўлган бўлса керак, Мурод ўзини ўнглолмай, йиқилиб тушди.

Худди шу пайт узоқдан "Тегма, болам!", деган овоз эшитилди-ю, Жасур ўша томон ўгирилди ва онасини кўриб, ўзини тутди. Шу орада маҳалладошлари Холмурод ака келиб, уларни ажратди ва Муродни олиб кетди. Жасур синфдошлари билан хайрлашиб, уйига қайтди. Эшик олдида турган онасини тинчлантираётган вақтда яқин жойда истиқомат қиладиган қўшнилари Сафар ака ўтиб қолди-да, улар билан сўрашиб, нима гаплиги билан қизиқди...

Бу пайтда Мурод ўзини кузатиб қўйган Холмурод акага ҳам бир нималар деб тўнғиллай-тўнғиллай уйига кириб кетди. Бироқ ҳа деганда ўзига келавермади. Жасурнинг унга қўл кўтаргани алам қилди. Нима қилишни билмай, у ёқдан-бу ёққа юрар экан, тўсатдан эсига бир пайтлар бобосининг уйидан топиб олиб, уйига яшириб қўйган милтиқ тушди-ю, таққа тўхтади. "Энди тамомсан, бола! Кунингни кўрсатаман..."

У ўзига ўзи шундай деб, ҳовли этагида қурилаётган ҳаммом томон ошиқди. Яшириб қўйган жойидан милтиқни топиб, ётоқхонага югурди. У ердаги каравотнинг тагидаги халтадан бир дона ўқ олиб, милтиққа жойлади. Шундан кейингина кўнгли сал бўлса-да, хотиржам бўлиб, кўчага ошиқди.

Узоқдан ўзлари томон ошиқиб келаётган Муродни кўришса-да, Жасур билан онаси ҳам, қўшни Сафар ака ҳам аввалига унчалик аҳамият беришмади. Аммо унинг қўлидаги узунчоқ нарсага кўзлари тушгач, болта кўтариб келаётибди деб ўйлаб, қўрқиб кетишди. Сафар ака шу заҳоти Жасур билан онасини ҳовлига киритиб, ўзи дарвоза ёнида қолди. Мурод яқин келганда унинг қўлидаги болта эмас, қирқма милтиқ эканлигини кўриб, даҳшатга тушди. Шу боис, унга пешвоз чиқиб, қўлидан келганча тинчлантиришга ҳаракат қила бошлади. Бироқ Мурод уни силтаб ташлаб, дарвозани очмоқчи бўлди. Ичкаридан қулф бўлгани учун очолмади-да, "Оч, ўлдираман!", деганча тепишга тушди. Учинчи ё тўртинчи марта тепганидан кейин илгак тушиб кетиб, эшик очилди. Мурод ичкарига югуриб кирди. У ёқдан-бу ёққа аланг-жаланг қилиб, "ўлжа"сини қидирар экан, ҳовлидаги дорга осилган кийимлар орқасида турган Жасурга кўзи тушди. Аммо уни мўлжалга олишга улгурмади. Жасур эпчиллик қилиб, кўчага отилди. У кўчага чиқиши билан, у ерда турган Сафар ака шоша-пиша эшикни ёпди. Шу заҳоти орқа томондан ўқ овози эшитилди. Жасур югуришдан тўхтамаган кўйи орқасига ўгирилиб, ўқ эшикка текканини, бир парчасини узиб тушганини кўрди...

Шукрки, бу машмашадан фақат эшик азият чекди. Ўйламай босилган тепки оқибатида ўқ жанжални босмоқчи бўлган Жасурга ёки уларни ажратиб, эшикни ёпиб турган Сафар акага текканида нима бўларди?..

Кўп ўтмай воқеа жойига ички ишлар ходимлари етиб келиб, жаҳлини тиёлмай, алам устида ўқотар қурол билан еган муштига жавоб қайтармоқчи бўлган зўравонни қўлга олдилар. Тергов ишлари ниҳоясига етказилиб, жиноий иш судга оширилди ва жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди томонидан ҳукм ўқилди. Унга кўра, бунгача бир неча марта судланишга улгурган Мурод Ҳакимов ўта хавфли рецидивист деб топилиб, унга қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, Тошкент шаҳар наркология диспансери томонидан унинг 2-даражали алкоголизмга йўлиққанлиги ҳақида берилган далолатномага асосан, М.Ҳакимовга нисбатан жазони ўташ даврида тиббий йўсинда алкоголизмдан мажбурий даволаш чораларини қўллаш ҳам тайинланди.

# Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асослар

/Давоми. Бошланиши 5-бетда/

Ҳақиқий асослар: жиноятларнинг олдини олиш ва ниқобланганларини (латентларини) аниқлаш вазифаларини ҳал қилиш заруриятидан келиб чиқиб; содир этилган жиноят ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги; шахснинг бедарак йўқолганлиги ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги; маъмурий-ҳуқуқий тартибларга риоя қилиш заруриятидан келиб чиқиб; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ижро этиш заруриятидан келиб чиқиб, бир-биридан фарқланади.

Тезкор ходимга белгиланган тартибда тезкор-қидирув қонунчилигида ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш учун ҳақиқий асосларни ўз ичига қамраб олган ҳақиқий маълумотлар манбаси келиб тушиши (қоидага кўра расмий ҳужжатлаштирилган) — юридик асосларни ташкил этади. Бу турдаги асосларга — қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги; суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи; прокурорнинг ёзма кўрсатмаси ва топшириғи киради.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун барча асосларни (яъни ҳақиқий ва юридик асосларни) икки гуруҳга ажратиш мумкин:

— жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш;

— давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотларни тўплаш.

ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси 1-қисмида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш назарда тутилган еттита асос биринчи гуруҳни ташкил этади.

**1.** Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун биринчи асос, бу аниқ ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги. Бунда қайси тергов органи, шу жумладан, тезкор-қидирув фаолияти субъектларнинг суриштирув органи томонидан жиноят иши қўзғатилганлиги ва қайси ваколатли мансабдор шахснинг иш юритувида бўлишининг фарқи йўқ.

Суриштирув органи унинг иш юритувидаги барча ишлар бўйича, шу жумладан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс аниқланмаган тақдирда ҳам, ҳеч қандай чекловларсиз тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақлидир. Айтиш керакки, суриштирув органи жиноят ишини терговчига ёки прокурорга юборганидан сўнг ушбу иш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини ЖПКнинг 343-моддасига мувофиқ фақат терговчининг топшириғи бўйича ўтказиши мумкин. Башарти, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс аниқланмаган ҳолларда, суриштирув органи жиноят содир этган шахсни аниқлашга қаратилган мақсадли қидирув ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга мажбур ва натижалари ҳақида терговчини хабардор қилиши шарт. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, терговчининг топшириғи бўлмаган ҳолларда ҳам тезкор ходим ўз ваколатлари доирасида зарур тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш юзасидан мустақил қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда у ўз ташаббуси билан ўтказган тадбирнинг амалга оширилиши ва натижалари ҳақида терговчини хабардор қилади.

Айтиш керакки, терговчи томонидан топшириқ берилмаган бўлса-да, бу ҳолат тезкор ходимнинг жиноятчиликка қарши курашиш йўлидаги фаоллигини ва ҳужумкорлигини боғлаб қўйиши мумкин эмас, зеро жиноятларни фош этиш каби машаққатли меҳнатда самарали натижаларга эришиш, энг аввало, тезкор ходимнинг малакаси, маҳорати ҳамда жиноятларни аниқлашда ноошкора восита ва услубларнинг барча икир-чикирларидан хабардорлиги ва билимдонлигига боғлиқдир.

**2.** Қонун ижодкорлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун кейинги асос сифатида суриштирув, тергов органларининг ёзма топшириғи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топшириғи кўрсатилган. Бундай топшириқ ва кўрсатмаларда аниқланиши лозим бўлган масалалар аниқ ва лўнда, шунингдек, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборотлар ва ижросини таъминлаш учун реал муддатлар баён этилиши лозим. Ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари, шунингдек, терговни олиб бориш ва жиноятни фош этиш учун қўлга киритилган ашёвий далиллар, ҳужжатлар ва аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар қоида тариқасида тезкор ходим томонидан билдирги шаклида расмийлаштирилади.

**3.** Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун кейинги асос сифатида, агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек, жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар хизмат қилади. Бундай маълумотларга тезкор вазиятни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш йўллари, шу билан бирга, гумон қилинувчининг ҳаёт тарзи ва унинг криминоген муҳит билан алоқасини ўрганиш орқали эришилади. Мазмуни тезкор қизиқувга эга маълумотлар фуқароларнинг мурожаатлари ва бошқа хатларида, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ва конфидентларнинг хабарларида ҳам акс эттирилиши мумкин. Қоида тариқасида бундай маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асослар етарли бўлмаган ва тезкор-қидирув йўллари орқали текширишни талаб этадиган жиноят аломатлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар сифатида кўрилади.

Бундан ташқари, кўриб чиқилаётган асосларга, тиббий муассасалардан криминал аломатларига эга жароҳатлари билан олиб келинган шахслар, қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетганлиги ҳақида ички ишлар бўлимларига хабарлар келиб тушиши, шунингдек, эълон қилинган ва тезкор-қидирув йўллари орқали текширишни талаб этадиган бахтсиз ҳодисалар ва фалокатлар шулар жумласидандир.

**4.** Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун кейинги асос сифатида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги. Бундай ахборотлар криминал характерга эга бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки уларнинг айримлари ўзининг хусусиятига кўра хавфсизликка таҳдид соладиган ва одамларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда юзага келадиган ҳолатлар (зилзила, сув тошқини, ўпирилишлар ва ҳ.к.) бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қонун ижодкорлари шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), ўзининг моҳиятига кўра одамнинг фаол, ижтимоий хавфли ахлоқи бирор таҳдид солмаса-да, лекин бошқа ҳодисалар билан бирга қўшилган ҳолда бундай таҳдидни келтириб чиқариши мумкинлигини назарда тутади. Мисол учун, кимёвий саноат соҳасидаги ускуналардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилишда, портловчи ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, тозалаш иншоотларига заҳарли моддаларни ташлаш ҳоллари юзага келиши мумкин.

**5.** Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек топилган, таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун кейинги асос сифатида хизмат қилади.

Суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар — жиноят содир этган шахсни (айбланувчини) қидирувга эълон қилиш учун расмийлаштирилаётган ҳужжатларда, ИИБ ориентировкаларида, қидирув топшириқларида, шунингдек конфидентларнинг хабарларида ҳам бўлиши мумкин.

Қуйидаги шахслар яширинганлар деб топилади: қамоққа олинмаган, лекин ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасини бузган айбланувчи; дастлабки тергов вақтида қамоқдан қочган айбланувчи; конвой қилиш пайтида қочган маҳкум; жазони ижро этиш колонияси ёки турмадан қочган маҳкум. Бу тоифадаги шахслар ҳақидаги хабарномалар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органга келиб тушган пайтдан бошлаб қидирув чоралари ташкиллаштирилади ва амалга оширилади.

Бедарак йўқолган шахслар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек топилган, таниб олинмаган мурдалар ҳақидаги маълумотлар фуқаролар, мансабдор шахсларнинг ариза ва хабарларида, шунингдек бошқа манбаларда ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин.

**6.** Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг кейинги асоси Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровлардир. Бундай сўровлар ижроси юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ва уларнинг натижалари тўғрисидаги жавоб хатларини юбориш соҳага оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

**7.** Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг сўровлари тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун кейинги асос сифатида хизмат қилади. Айтиб ўтиш керакки, бундай сўровлар ўз моҳиятига кўра расмий тезкор-хизмат ҳужжат деб ҳисобланади ва ихтиёрида тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал қилиш учун ҳақиқий маълумотларга эга бўлиши мумкин бўлган органга юборилади. Бундай сўровлар тезкор-қидирув органининг бланкда ва иш юритув қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади, сўнг орган раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр босилади. Фавқулодда ҳолатлар ёки шошилинч равишда бундай сўровлар махсус техника воситаларидан фойдаланиб ёки алоқанинг ёпиқ каналлари орқали юборилиши мумкин. Сўров ташаббускорига, қоида тариқасида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш натижасида қўлга киритилган аҳамиятга эга бўлган ва бошқа ҳолатлар ҳақидаги жавоб хати иш юритув, шу жумладан, махфий иш юритув қоидаларига мувофиқ юборилади.

ТҚФ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси 2-қисмида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш назарда тутилган навбатдаги учта асос — иккинчи гуруҳни ташкил этади.

**1.** Биринчи асос сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, ўз ваколатлари доирасида, фуқароларга давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш учун зарур маълумотларни тўплаш назарда тутилган.

**2.** Кўриб чиқилаётган иккинчи гуруҳнинг кейинги асосларидан бири, тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга рухсат бериш ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат беришдир. Бундай тартиб, тезкор-қидирув фаолиятини фақат қонун билан ваколат берилган шахслар томонидан амалга оширилади ва бу фаолиятнинг амалга оширилиши натижасида олинган маълумотлар ўз хусусиятига кўра ёпиқ маълумотлар деб ҳисобланади. Шу боис, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларда ишлашга ёки бундай органларга мутахассисларни тайёрловчи ўқув юртларига кириш истагини билдирган номзодлар ҳам белгиланган тартибда тезкор-қидирув тадбирлар орқали текширилади.

**3.** Тавсифланаётган асосларнинг охиргиси, бу тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахсларга нисбатан зарур маълумотлар тўплаш. Мазкур хусусиятдаги текширув ишларини юритиш идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, тезкор-қидирув тадбирларини фақат юқорида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина ўтказиш ва уларга қўйилган талаблар ижросини таъминлаш жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида самарали натижаларга эришишнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

**Шуҳрат АБАКУЛОВ,**
СВОЖЖДЛКК департаментининг Криминалистика лабораторияси катта криминалисти

# Эзгу орзулар рўёби

## банк мадади билан амалга ошмоқда

MIKROKREDITBANK

***Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан фаолият бошлаган ушбу банк ўтган йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг ишончли ҳамкорига айланди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши эса, банкнинг тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлари кўламини янада кенгайтириш имконини яратди.***

Мазкур банк мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблағ билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорликни, аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратаётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Қуйидаги лавҳаларда ҳам шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

### Оилавий тадбиркорликка кенг йўл

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётир. Банкнинг шу мақсадда мижозларга таклиф этаётган хизматлари оилалар учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда. Шуниси аҳамиятлики, кам фоизли кредитлар қулайлиги билан ажралиб туради. Шу боис, банк сармоялари юртимиздаги кўплаб кичик бизнес вакиллари, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг ўз фаолиятини янада ривожлантиришида қўл келмоқда.

Навоий шаҳри Гулистон маҳалласидаги "Dovudbek sito" оилавий корхонасида 15-20 турдаги болалар ва катталар учун кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизга "Микрокредитбанк" ОАТБ Навоий вилояти филиалидан олинган 7 миллион 900 минг сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий тикиш дастгоҳлари олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Муҳаррам Якубова. — Ушбу дастгоҳлар ёрдамида бир кунда буюртма асосида 50-60 та трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида хориждан янги технология келтириб, корхона қувватини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Тадбирлининг тадбири — элга фойда ҳар бири, дейишади. Дарҳақиқат, бир кишининг хайрли тадбири билан бир неча оиланинг рўзғорига барака киради.

Бугун кўплаб тадбиркорлар Муҳаррам Якубова сингари банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз мақсадларига етмоқда, оиласи фаровонлигини ошириб, юртга нафи тегмоқда.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

### Баҳри дилингиз очилади

"Микрокредитбанк"нинг амалиёт бўлими мижозиман. Ушбу банк томонидан аҳоли ва мижозларга сифатли ҳамда тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Энг муҳими, ходимларнинг ширинсўзлиги, тажрибали ва тезкорлигидан мамнунмиз. Тўғри-да, кунда бўлмаса ҳам кунора банкка ишингиз тушади. Коммунал тўловлар дейсиз, пул жўнатмалари дейсиз, ана шунда корингизга банк ярайди. Баъзан ташвиш билан, баъзан тушуниб-тушунмай келганингизда банк ходими чиройли муомала қилса, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатса, йўл-йўриқ берса, керакли тушунчани етказа олса, баҳри дилингиз очилади, кўнглингиз равшан тортади.

**Сарвиноз АҲМЕДОВА,**
Тошкент шаҳри

### Хизматдан мамнунмиз

Магазинга боргунча сумкамни таксида унутиб қолдирибман. Энг асосийси, сумкада ҳамёним ҳам қолиб кетган экан. Ҳар қалай, ҳамёнимда нақд пул кам, барчаси пластик карточкада эди. Тезда банкка хабар қилдим. Бизга хизмат қиладиган банк ишхонамизга яқин жойда. Бордим. Пластик карточкамни қайтадан янгилаб беришди.

Ўша куни магазиндан харид қилмоқчи бўлган барча нарсани олиб, уйга келдим. Бир неча кундан кейин уй телефонимиз жиринглаб қолди. Олсам, такси хизматидан экан. Таксичи сумкамни уларга топширибди. Ёндафтарчамда манзилим қайд этилганди, шундан топишибди. Уларга раҳмат айтиб, сумкани олиб келдим.

Шу ўринда айтмоқчи эдимки, пластик карточка — қулай, ихчам ва ишончли ҳамён экан. Бу хизматни жорий этишган банк ходимларининг хизматидан ҳам мамнунлигимни изҳор этмоқчиман.

**Гулнора МАҲАМАТОВА,**
Тошкент шаҳри

### Тикувчилик цехи ишга тушди

Сайҳунобод туманида тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улуғбек Ниёзов "Сайҳун текстиль бизнес" ҳамда "Сардор текстиль бизнес" тикувчилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйишди.

Бунда "Микрокредитбанк" Сирдарё шаҳар филиали томонидан уларнинг ҳар бирига ажратилган 40 миллион сўмдан кредит муҳим аҳамият касб этди. Ушбу корхоналар ишга туширилиши билан 24 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Сармоя эвазига энг замонавий тикув машиналари олиб келиб ўрнатилгани иш унумининг ошишига сабаб бўлмоқда.

— Қишлоқ жойларда замонавий корхоналарнинг пайдо бўлиши Президентимиз раҳнамолигида биз тадбиркорларга яратиб берилаётган имконият ва шароитлар маҳсулидир, — дейди "Сайҳун текстиль бизнес" корхонаси раҳбари Улуғбек Ниёзов. — Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Бунда ҳам банк мададига суянамиз.

**Б.БЕКМУРОДОВ**

### Банк мадади билан фаолиятимиз кенгаймоқда

Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилаётгани биз тадбиркорларни янги марралар сари ундамоқда.

Албатта, ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблағ орқали шакллантирилади. Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки томон ўртасидаги ишончли ҳамкорлик эса юксак муваффақиятларга мустаҳкам гаров бўлади.

Сўнгги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора "қисқариб" бормоқда. Яъни молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда таклиф этаётган хизматлари тури кенгаяётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос бўлади. Қолаверса, банк томонидан таклиф этилаётган хизматлар, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Корхонамизда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бунда "Микрокредитбанк"нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биносини мукаммал таъмирладик, сўнгра ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Ҳозирда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари, 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш ускунаси ёрдамида бир-кеча кундузда 1500 донагача қолипли нон ҳам тайёрланяпти.

Музработ агросервис касб-ҳунар коллежи битирувчилари Жуманазар Ўтаганов, Искандар Жумаев каби ёшлар ушбу линиянинг ишга туширилиши туфайли доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Хуллас, бугун қўлида ҳунари ёки уқуви бор ҳар қайси инсон "Микрокредитбанк" эътиборидан четда қолмаяпти. Уларнинг қобилияти ва маҳорати банк маблағлари эвазига юзага чиқаётир.

**Мастона БОБОЕВА,**
Музработ туманидаги "Музработ иссиқ нон" хусусий корхонаси раҳбари

### Кўп тармоқлилик қаноти

Фермерлик ҳаракати ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Бугунги фермер бундан саккиз-ўн йил олдинги ер эгаларидан тубдан фарқ қилади. Яқин йилларда ҳам фақат режани бажариб, мўл ҳосил кўтаришнигина мақсад қилган фермерлар эндиликда уни қайта ишлаш, керак бўлса, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лозимлигини англаб етишди.

Бу жараёнда бизга мададкор бўлаётганлар қаторида банкларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Яқинда фермер хўжалигимизда нон ишлаб чиқариш ва тикув цехларини ишга туширдик. Бунда "Микрокредитбанк" Сирдарё вилоят филиали томонидан ажратилган 40 миллион сўм кредит қўл келди. Сармояга замонавий тикув машиналари, нон тайёрлаш печлари олиб келиб ўрнатдик. Энг муҳими, қўшимча яна 10 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Банкнинг ишбилармон аёлларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, бизнес фаолиятларини ривожлантириш, иқтисодий ва маиший шароитини ҳамда уларнинг оиласи фаровонлигини юксалтиришга кўмаклашиш учун кўрсатиладиган микромолиявий хизматлари кўлами кенгайиб бораётгани обод турмушнинг мустаҳкам замини бўлади.

**Назокат НОРХЎЖАЕВА,**
Боёвут туманидаги "Ҳасанбой Аҳтам ўғли" фермер хўжалиги раҳбари

### Ҳунардан барака унар

Коллежни битиришим арафасида ўқиш давомида ўрганган ҳунарим бўйича кулолчилик устахонаси очиб, икки нафар укамни ёнимга олиб, иш бошлашга қарор қилдим.

Иш бошлашим учун бизнес режа туздим. Банк ходимлари бизнес режамни маъқуллашди. Қисқа вақтда менга йиллик 3 фоизли 3 миллион 950 минг сўм микрокредит ажратишди. Ҳозир кулолчилик устахонамизда тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар ҳам кўпайиб боряпти. Ҳунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатяпман. Келгусида "Микрокредитбанк" билан ҳамкорликда ишларимни янада кенгайтирмоқчиман.

**Азизбек АҲМАДЖОНОВ,**
Шаҳрихон тумани

### Ёшлар ишончи бежиз эмас

Банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётир. "Микрокредитбанк" ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

### Янги иш ўринлари кўпаймоқда

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун".

Ушбу тамойил ҳам юртимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганининг ёрқин намунасидир. Келинг, бу жараёндаги ишларни "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки мижозлари фаолиятида кўрамиз.

Навоий шаҳридаги "Рухшона Нозима Моҳина" масъулияти чекланган жамиятида 15 нафар тикувчи меҳнат қилмоқда. Жамиятда ҳозирги кунда тикувчилик, тўқувчилик, патдўзлик, қуроқчилик, каштачилик маҳсулотлари ҳамда болалар ва аёллар оёқ кийимлари тайёрланмоқда. Тайёрланган маҳсулотлар буюртма асосида савдо нуқталарига етказиб берилаётир.

Мазкур корхонага айни кунларда "Микрокредитбанк" ОАТБ Навоий вилоят филиалининг 150 миллион сўм миқдордаги кредити эвазига замонавий дастгоҳлар олиб келиш режалаштирилмоқда. Ушбу режа амалга ошса, цехда яна 10 та иш ўрни яратилади. Уларга асосан коллеж битирувчиларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

**Маърифат ШАРИПОВА**

### Соддалаштирилган жараён

"Микрокредитбанк" ОАТБ жамоаси яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштирмоқда, фаолияти ривожига маблағлар йўналтирмоқда.

Бу эса банк фаолияти барқарорлигини таъминлаб, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланишига омил бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, мана шу ишонч банк фаолиятининг янада кенгайиши — мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ўз хизматлари билан кириб бориши учун шароит яратмоқда.

Мазкур молия муассасаси мижозлари учун замонавий электрон ҳисоб-китоблар тизимига асосланган, такомиллашган банк хизматларини таклиф этиб келмоқда. Жумладан, тобора оммавийлашиб бораётган, қулай имкониятларини намоён этаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг электрон тарзда амалга ошириладиган пластик карточкаларга асосланган тўлов тизими муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жараёнларни соддалаштириш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида амалиётга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, масофадан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва молиявий ахборотларни алмашиш тизими: интернет-банк, "SMS-bank", "SMS-to`lov", "SMS-omonat" интерфаол мобиль тармоқлари янада такомиллаштирилмоқда.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромади барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя сифатида микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётир.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртнинг осойишталигини таъминлайдиган асосий омилдир. "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўзининг катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

**Банк матбуот хизмати**

*Инсон умрининг қиёси кўп. Умр башарият учун умумий, ҳар бир шахс учун алоҳида аҳамият касб этади. Кимдир ҳаётини бесамар кетказса, кимдир уни яхши амаллар билан безатишга ҳаракат қилади. Равшанбек Фозилов ҳам прокуратура тизимидаги кўп йиллик фаолияти давомида халқнинг меҳрини қозонди.*



# Умр дафтарин безаб...

Р.Фозилов Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кириб, 1975 йилда уни муваффақиятли тамомлади. У иш фаолиятини Янгиариқ туман прокуратурасида иш ўрганувчи-терговчи лавозимидан бошлади. Кейинчалик Шовот туман прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратураси катта терговчиси, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, вилоят прокуратураси криминалист-прокурори, Урганч ва Қўшкўпир туманлари прокурор ёрдамчиси, вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси, Урганч шаҳар прокуратураси катта терговчиси каби қатор лавозимларда фаолият кўрсатди.

Айни пайтда Боғот туман прокурори ёрдамчиси лавозимида самарали фаолият кўрсатаётган Равшанбек Фозилов умрининг салкам 40 йилини прокуратура идораларига бағишлади. У бугун 60 ёшни қаршилади. Хоразм вилоят прокуратураси номидан у кишини табаррук ёши билан қутлар эканмиз, узоқ умр, соғлик-саломатлик, фарзандлар ва шогирдлар эҳтиромига сазовор бўлган ҳолда узоқ йиллар сафимизда юришларини тилаб қоламиз.

**Сардорбек ИСМОИЛОВ,**
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

# Ўсмирларимиз плей-офф остонасида

*Футбол бўйича бош жамоамиз жаҳон чемпионати орзуси билан яшаётган бир пайтда, кўз тегмасин, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз кичик мундиалларнинг доимий иштирокчисига айланиб боришмоқда. Қувонарлиси, ёш футболчиларимиз жаҳон чемпионатларининг шунчаки иштирокчиси сифатида эмас, балки юқори натижалар учун кураш олиб боришмоқда. 2011 йили Мексикадаги ўсмирлар ўртасидаги мундиалда Алексей Евстафеев шогирдлари, жорий йилнинг ёзида Туркия давлатида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида Аҳмаджон Мусаев бошчилигидаги ёшларимиз кучли саккизталикка киришди. Энди навбат Дилшод Нуралиев бошқарувидаги ўсмирларимизга келди.*

Жорий йилнинг 17 октябридан Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида старт олган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ажойиб ғалаба билан бошлади.

"C" гуруҳидан ўрин олган ўзбекистонлик ўсмирлар биринчи турда Марказий Америка қитъаси вакили бўлган Панама ўсмирлар терма жамоаси билан рўбарў келди. Айтиш керакки, кичик мундиаллар бошланиши олдидан ҳеч бир мураббий ёки мутахассис бундай ёшдаги терма жамоаларнинг имконияти ва кучига тўлиқ баҳо бера олмайди. Шунинг учун ҳам ўсмирларимиз ўйинни ўта эҳтиёткорлик билан бошлашди. Ўйиннинг дастлабки 10-15 дақиқасини рақиблар бир-бирининг кучини аниқлаб олишга сарфлашди. Секинаста Дилшод Нуралиев шогирдларининг ўйинни ташкил этиш борасида рақибдан бироз кучлироқ эканлиги кўзга ташлана бошлади. Бироқ биринчи бўлим давомида дарвозани ишғол этиш ҳеч бир жамоага насиб қилмади.

Иккинчи бўлимни панамалик ўсмирлар тезкор ҳужумлар билан бошлаган бўлишига қарамай, вакилларимиз ўйин тизгинини ўз қўлларига олишди ва рақиб дарвозаси олдида бирин-кетин хавфли ҳужумларни ташкил эта бошлашди. Айниқса, жамоамиз бош мураббийи томонидан ўйинчи алмаштириш борасида қабул қилинган қарорлар ўзини оқлади. Захирадан ўйинга қўшилган Жавоҳир Сиддиқов ва Шоҳжаҳон Аббосовлар терма жамоамизнинг ҳужумларини кучайтира олишди. Ўйиндаги ҳисобни айнан Шоҳжаҳон Аббосов очди. Кўп ўтмай бурчакдан етказиб берилган тўпни ҳимоячимиз Рустамжон Ашурматов рақиб дарвозасига жойлаб, ҳисобни 2:0 кўринишига олиб келди. Ўйин сўнггига қадар ҳисоб ўзгармади ва Дилшод Нуралиев шогирдлари жуда муҳим бўлган уч очкони қўлга киритишди.

Иккинчи ўйинда ўсмирларимизни жуда жиддий рақиб кутиб турганди. Биринчи турда хорватиялик тенгдошларини 3:1 ҳисобида мағлуб этган Марокаш ўсмирлар терма жамоаси нафақат гуруҳимизнинг, балки мусобақанинг энг кучли жамоаларидан бири эканликларини амалда исботлашганди. Шунинг учун ҳам учрашувдан олдиноқ Дилшод Нуралиевнинг ҳимоявий тактика танлашини тахмин қилиш мумкин эди.

Учрашув бошиданоқ майдонда тактик кураш кечиши кўриниб қолди. Марокашлик футболчиларнинг жисмоний ва техник жиҳатдан яхши тайёргарликка эга эканлиги сезилиб турарди. Терма жамоамиз асосан рақибни ўз жарима майдонига яқин ҳудудда кутиб олиш ва тўпни эгаллаб узоқ масофага йўлланадиган узатмалар орқали ҳужум ташкил қилишга уринди. Аввалига ўсмирларимиз ташаббусни рақибга бериб қўймаслик учун астойдил ҳаракат қилишди. Аммо деярли барчаси Европа клубларида тўп сурадиган марокашликлар майдонда ўз устунликларини намойиш эта бошлашди. Ҳимоямизни ёриб ўтиш осон бўлмаслигини тушуниб етган рақиб футболчиси Ҳамза Сахий ўйиннинг 17-дақиқасида олис масофадан зарба йўллашга қарор қилди. Тўп эса дарвоза устунига тегиб, чизиғи устига тушди. Хайриятки, ўша вазиятда омад футболчиларимиз томонини олди. Қарши ҳужумда терма жамоамиз аъзоларида ҳам дарвоза томон зарба бериш имконияти юзага келганди, бироқ Иззатилла Ибрагимовнинг берган зарбаси ноаниқ кетди.

Марокашликларнинг навбатдаги ҳужуми орадан 10 дақиқа ўтиб уюштирилди. Жамоа сардори Набил Жаъдий чап қанотда ўзининг ажойиб ҳаракатлари билан ҳимоячиларимизни чалғита олди ва тўпни жарима майдончасига етказиб берди. Зарба беришга уринган Ачаҳбар эса кўзлаган мақсадига ета олмади. Асосий эътиборни ҳужумга қаратган рақиблар терма жамоамизнинг қарши ҳужумларини ўтказиб юбормаслик учун бироз ортга чекинишга мажбур бўлишди. Шундай бўлса-да, ҳужумлар асосан рақиблар томонидан ташкил этилди. Шу ўринда терма жамоамиз дарвозабони Сарвар Каримовнинг ишончли ҳаракатларини таъкидлаш жоиз. Унинг ўз кучига бўлган ишончи ва шижоати жамоадошларига ижобий таъсир ўтказди. Бежизга дарвозабонни ярим жамоа дейишмайди.

Дилшод Нуралиев иккинчи бўлимнинг бошидаёқ биринчи ўйинда захирадан ўйинга қўшилиб, терма жамоамизнинг ҳужумларини кучайтира олган Жавоҳир Сиддиқовни майдонга туширди. Айнан шу футболчининг ўйинга қўшилиши вакилларимизнинг олдинги чизиқдаги фаоллигини оширди. Умуман олганда, ўсмирларимиз иккинчи бўлимда биринчисидан фарқли равишда ҳужумкорликни оширишди. Сиддиқов ўзининг тезкор ва чаққон ҳаракатлари билан олдинга ташланганида рақибларнинг икки нафар ҳимоячиси уни "сиқув"га олиб, жарима майдончаси остонасида йиқилишига сабабчи бўлишди.

Ўйиндаги бироз устунлик Африка қитъаси вакиллари томонида бўлса-да, ўсмирларимиз ҳам бўш келишни исташмади. Учрашувнинг бу тахлит боришидан кўнгли тўлмаган рақиб жамоа мураббийи бирин-кетин ўйинчи алмаштиришни бошлади. Айниқса, захирадан майдонга тушган "Ювентус" клуби аъзоси Юнус Бну Марзуқ Марокашнинг ўйинини анча кучайтирди. Ўз навбатида Дилшод Нуралиев ҳам "яширин қуроли"га мурожаат қилиб, ўйиннинг 81-дақиқасида тезкор ҳужумчи Шоҳжаҳон Аббосовни майдонга туширди. Унинг фаоллиги терма жамоамизга ғалаба келтириши ҳам мумкин эди. Ўнг қанотдаги бурчак яқинида белгиланган жарима тўпини Иззатилла Ибрагимов жарима майдончасига етказиб берди. Ушбу тўпга интилган Шоҳжаҳон Аббосов ҳимоячилар таъқибидан қочиб, дарвоза томон боши билан зарба беришни уддалади. Бироқ зарбага аниқлик етишмади.

Ўйин сўнггига қадар ҳар иккала терма жамоа аъзолари дарвозаларни ишғол қилиш учун ҳаракат қилишди. Аммо мураккаб кечган ўйинда ҳисоб очилмади. Бу ҳисоб эса, деярли Ўзбекистон ва Марокаш ўсмирлар терма жамоаларини нимчорак финалга олиб чиқди. Бироқ гуруҳдаги сўнгги тур ўйинида қайд этиладиган натижа ҳам жуда муҳим. Чунки, гуруҳда учинчи ўринни қўлга киритган жамоа плей-оффда жуда кучли рақибга рўбарў келиши мумкин. Умид қиламизки, Дилшод Нуралиев шогирдлари хорватиялик тенгқурлари билан бўладиган ўйинда ҳам ижобий натижани қўлга киритишади.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ,**
«Ниқиқ»



**Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати**

**ЎЗБЕКИСТОН — МАРОКАШ — 0:0**

| № | "C" гуруҳи | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Марокаш | 2 | 1 | 1 | 0 | 3-1 | 4 |
| 2 | **ЎЗБЕКИСТОН** | **2** | **1** | **1** | **0** | **2-0** | **4** |
| 3 | Хорватия | 2 | 1 | 0 | 1 | 2-3 | 3 |
| 4 | Панама | 2 | 0 | 0 | 2 | 0-3 | 0 |

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Жиззах ҳарбий прокуратураси терговчиси, адлия лейтенанти Шавкат Шароповга волидаи муҳтарамаси **Дилбар ДАВРОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Huquq** yuridik gazeta

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: **Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-8342. 46 767 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617
9 772010 761004